

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзбекистон почтаси” АЖ
Акциядорларининг йиллик
умумий йиғилишининг
2023 йил 27 июндаги
1-сон баёни билан

“O‘ZBEKISTON POCHTASI”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМИ
(янги тахрир)

Тошкент – 2023

Мундарижа

- I. Умумий қоидалар
- II. Жамиятнинг ижроия органини тузиш ва унинг ваколатларини тугатиш тартиби
- III. Жамият Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- IV. Жамият Бош директорининг жавобгарлиги

1. Умумий қоидалар

1.1 Мазкур низом «O‘ZBEKISTON POCHTASI» акциядорлик жамиятининг яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Бош директорининг мақомини белгилайди, шунингдек, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2 Мазкур низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонуни, Корпоратив бошқарув Кодекси ва Қоидалари тавсияларига ва «O‘ZBEKISTON POCHTASI» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда Жамият) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Жамиятнинг ижроия органини тузиш ва унинг ваколатларини тугатиш тартиби

2.1 Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик жамият Бош директори томонидан амалга оширилади.

2.2 Жамият Бош директори яккабошчилик асосидаги ижроия орган ҳисобланиб, унинг жорий фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

2.3 Жамият Бош директори жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

2.4 Жамият Бош директорини сайлаш, одатда, чет эл менеджерлари ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилади.

2.5 Жамият Бош директори лавозимига номзодларни кўриб чиқиш ва умумий йиғилиш тасдиғига киритиш Жамият Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади. Бош директор лавозимига номзод жамиятга ўзи жиноий жавобгарликка тортилганлиги/тортилмаганлиги тўғрисидаги фактларни маълум қилиши шарт.

2.6 Бош директор лавозимига у ёки бу номзодни тавсия этар экан Жамият Кузатув кенгаши раиси шартнома тузиш шартлари, Бош директор фаолияти учун мукофотлаш миқдори ва номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган шартнома тузишга номзоднинг розилиги тўғрисида ахборот беради.

2.7 Жамият Бош директори лавозимига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқиладиганда Жамият Кузатув кенгаши мажлисида қатнашишлари мумкин.

2.8 Бош директор лавозимига таклиф қилинган номзодлар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тайинлангандан кейин, Бош директор билан лавозим бўйича мажбуриятларни бажариш, меҳнатга тўланадиган ҳақ ва мукофотлар миқдори юзасидан шартнома тузилади. Бунда Жамият Бош директорининг ойлик маоши ва уни моддий рағбатлантириш миқдори Жамият фаолияти самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиши зарур. Шартнома уч йил муддатга, уни узайтириш ёки муддатидан илгари тугатиш мумкинлигини назарда тутган ҳолда тузилади.

2.9 Жамият Бош директори билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

2.10 Бош директор томонидан Жамиятнинг йиллик бизнес режаси параметрлари бажарилиши ва (ёки) Жамият устави кўпол равишда бузилса ва унинг харакати ёки харакатсизлиги натижасида Жамиятга жиддий зарар етказилган тақдирда, Жамият Кузатув кенгаши у билан тузилган шартномани муддатидан илгари тугатиш ҳуқуқига эга.

2.11 Бош директор билан шартномани бекор қилиш ҳақидаги қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

3. Жамият Бош директорининг ваколат ва мажбуриятлари

3.1 Жамият бош директори ваколатига Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилиш киради. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

3.2 Бош директорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги қонунчилик, Жамият устави ва у билан тузиладиган шартномалар билан белгиланади.

3.3 Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

3.4 Жамият Бош директорининг ваколатларига қуйидагилар киради:

а) ишончномасиз Жамият номидан иш кўриш, унинг манфаатларини тақдим қилиш;

б) Жамиятнинг мол – мулки ва пул маблағларини Устав ёки Жамиятнинг бошқа ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган чегарада бошқариш;

в) Жамият номидан битимларни тузиш;

г) Жамият томонидан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари қийматининг ўн беш фоизидан кам қийматга эга бўлган мол-мулкни (шу жумладан қарз, кредит, кафилик ва кафил бўлиш) жамиятнинг олиши ёки тасарруфидан чиқариши билан боғлиқ ёхуд жамият бевосита ёки билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ битимларни Кузатув кенгашининг розилигини олмасдан тузиш;

д) меҳнат шартномаларини тузиш;

е) ишончномалар бериш;

ж) банкларда ҳисоб, валюта ва бошқа рақамларни очиш;

з) кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда йўналишлар бўйича директорларни лавозимларидан озод қилиш;

и) кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда Жамият филиаллари раҳбарларини тайинлаш ва уларни эгаллаб турган лавозимларидан озод қилиш;

к) филиал директорлари ўринбосарлари, бош бухгалтерларини тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш;

л) Жамиятнинг ҳудудий ва ихтисослашган филиалларининг сарф-харажатлари сметаларини тасдиқлаш ;

м) буйруқлар чиқариш ва Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган кўрсатмаларни бериш;

н) ходимлар штатини тасдиқлаш, унинг тўлдирилишини амалга ошириш.

о) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

3.5 Жамият Бош директориининг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- а) Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил қилиш;
- б) Жамиятнинг филиаллари, объектлари ва бошқа таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш;
- в) Жамиятнинг шартномавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
- г) ишлаб чиқаришни, ижтимоий соҳасини ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорда фойда олинишини ва Жамиятнинг тасдиқланган фондларини тўлдирилишини таъминлаш;
- д) Жамиятни ривожлантириш дастурларини ва бизнес режаларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш, назорат қилиш;
- е) Жамият фаолиятида қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилишини таъминлаш;
- ж) Жамиятда бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини юритилишини ташкил этиш ва тегишли органларга шунингдек акциядорларга кредиторларга ва бошқа маълумот олувчиларга Жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- з) Жамиятнинг ҳудудий ва ихтисослаштирилган филиалларининг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш;
- и) Кузатув кенгашига ҳар чорақда йиллик бизнес-режани бажарилиши бориши тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим қилиш;
- к) Кузатув кенгаши, Жамиятнинг тафтиш комиссияси ёки аудиторлик ташкилотининг талаблари бўйича Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни ҳеч қандай тўсиқларсиз тақдим этиш;
- л) тегишли органларга давлат статистика ҳисоботининг тўлиқлигини ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- м) Жамиятнинг тижорат сирлари саналувчи маълумотлар махфийлигини сақлаш, агар бундай маълумотларни учинчи шахсларга бериш унинг мажбурияти доирасига кирмаса;
- н) Жамиятнинг ходимлари томонидан хизмат ёки тижорат сирларини ташкил этувчи маълумотнинг сақланишини таъминлаш;
- о) Жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;
- п) Жамият ходимларининг билимларидан, малакалари, тажриба ва маҳоратларидан унумли фойдаланиш бўйича Жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш чораларини кўриш;
- р) меҳнат интизомини сақлаш;
- с) ходимларнинг ижтимоий кафолатларига ва меҳнати муҳофазасига амал қилинишини таъминлаш;
- т) Жамиятнинг моддий кўмакка муҳтож бўлган ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга фойдасиз тезкор заёмларини ажратиш (тўйлар ва бошқа оилавий тадбирларни ўтказиш, уй қуриш, қурилиш материалларни сотиб олиш ва бошқалар учун);
- у) жамоа музокараларда маъмурият вакилларининг иштирокини таъминлаш;
- ф) жамоа шартномаси ва келишувларни тузишда иш берувчи сифатида иштирок этиш, жамоа шартномаси бўйича шартларни бажаришни таъминлаш;

х) Умумий йиғилиш ва Кузатув кенгашига, унинг ваколати доирасига кирувчи ишларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни белгиланган муддатда тақдим этиш;

ц) акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган маълумотларини олиш, Умумий йиғилишида иштирок этиш, дивидендларини ўтказиш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига амал қилиш;

ч) малакали юридик ёрдамни олиш ҳамда Жамиятнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида шартнома асосида адвокатлик фирмаларини жалб қилиш;

ш) филиалларнинг фаолиятни назорат қилиш, бунинг учун Жамият ходимларига филиалларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан кўрсатмалар бериш ёки ушбу мақсадда аудиторлик ташкилотларни жалб қилишга ҳақлидир;

э) амалдаги қонун ҳужжатларига ички ҳужжатларининг ва бошқа норматив актларининг зид келмаслигини таъминлаш;

ю) Филиал бошқарув ходимларини интизомий жавобгарликка тортилиши тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

3.6 Жамият Бош директори ҳар чорақда Жамият кузатув кенгашига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари”нинг 1-иловасига мувофиқ ҳисобот беради. Чорақлик ҳисобот бўйича маълумотларни олиш, рентабеллик кўрсаткичлари, тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак.

3.7 Жамият Бош директори Жамиятнинг Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ташкиллаштиради, баҳолаш натижаларини Кузатув кенгашига киритади, шунингдек, Давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органига ахборотлар ва маълумотлар (Агентликнинг "Давлат мулки" ахборот тизимига бизнес-режа кўрсаткичлари ва СМК, шунингдек корхоналар веб-сайтларига маълумотлар киритиб борилиши) тақдим этилишини таъминлайди. Корпоратив бошқарув тизими баҳолатилмаганда ёки Давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органига юқорида саналган ахборотлар ва маълумотлар тақдим этилмаганда ижроия органи раҳбарлари рағбатлантирилишига йўл қўйилмайди.

3.8 Жамият бош директори молия йили якуни бўйича акциядорлар умумий йиғилишига “Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари”нинг 2-иловасига мувофиқ ҳисобот беради. Йиллик ҳисобот бўйича маълумотларни олиш, рентабеллик кўрсаткичлари, тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши, ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосалари, жамият томонидан ҳисобот йилида тузилган йирик ва аффилиланган шахслар билан битимлар ва бошқа қонунчиликда белгиланган маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак.

3.9 Жамиятнинг Бош директори, қонунчилик, жамият устави ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин. Жамият Бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

4. Жамият Бош директорининг жавобгарлиги

4.1 Жамият Бош директори ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги натижасида жамиятга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ Жамиятга етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмда Жамият олдида жавоб беради.

4.2 Бош директор фаолияти Жамият хизматларини миқозларга тақдим этишда қийинчилик туғдирадиган жамиятларни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. Бош директор лавозимга тайинланганида бундай жамиятлардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўғрисида Жамият Кузатув кенгашини хабардор қилиши лозим.

4.3 Жамият Бош директори Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганлиги натижасида Жамиятга етказилган зарар ва уни ўрнини тўлиқ қоплаш бўйича қонун ҳужжатлари ва Жамият уставига мувофиқ жавобгардир.

4.4 Жамият томонидан жойлаштирилган оддий акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларни ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Бош директор устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

4.5 Агар жамиятнинг ижроия органи томонидан йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда жамият директорининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

4.6 Жамият Бош директори ўз мажбуриятларини қонунчиликда белгиланган тартибда суғурта қилиши мумкин.